

**МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА КОГНИТИВ  
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛANIШИ  
РАЗВИТИЕ ПОЗНАВАТЕЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ У ДЕТЕЙ  
ДОШКОЛЬНИКА  
DEVELOPMENT OF COGNITIVE PROCESSES IN PRESCHOOL  
CHILDREN**

*Toshkent xalqaro moliyaviy boshqaruv va texnologiyalar universiteti*

*“Psixologiya va pedagogika” kafedrasи katta o‘qituvchisi*

***Yoqubova Dilafruz Mirjabborovna***

*[dilafruzekubova4@gmail.com](mailto:dilafruzekubova4@gmail.com)*

*Tel:+99894 -424-20-80*

*Toshkent xalqaro moliyaviy boshqaruv va texnologiyalar universiteti*

*“Psixologiya va pedagogika” kafedrasи o‘qituvchisi*

***G‘aniyeva Nargiza Alijonovna***

*[nargiza@gmail.com](mailto:nargiza@gmail.com)*

*Tel:+99894 -976-11-41*

**Аннотация:** Мазкур мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнлари, уларни ўйин фаолиятида ривожлантириши ўйлари батафсил баён этилган.

**Аннотация:** В данной статье подробно описаны познавательные процессы дошкольников, способы их развития в игровой деятельности.

**Annotatson:** This article describes in detail the cognitive processes of preschool children, ways to develop them in play activities.

**Калим сўзлар.** Мактабгача таълим, билиш жараёнлари, сезги, идрок, диккат, хотира, масаввур, тафаккур, нутк, хаёл.

**Ключевые слова.** Дошкольное образование, познавательные процессы, интуиция, восприятие, внимание, память, воображение, созерцание, речь, воображение.

**Keywords.** Preschool education, cognitive processes, intuition, perception,

*attention, memory, imagination, contemplation, speech, imagination.*

**Мавзунинг долзарбилиги.** Боғча ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларида кўрсатилишича бугунги мактаб боладан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам қўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиш кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиш ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади. Шундай экан мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёнларини ривожлантириш, фикр юритиш жараёнларини шакллантириш ва шу йўл билан мактабгача ёшдаги болалар онгига яратувчанликни сингдириш ота-она, тарбиячи ва педагогларнинг муҳим вазифасидир. Ана шундай маъсулиятли вазифа ҳозирги кунда мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари зиммасига юклатилган.

**Муаммонинг ўрганилганлиги:** Мактабгача даврда бола идрокининг ривожланиш жараёни А.А.Венгер томонидан батафсил тадқиқ этилиб, баён қилинган. З ёшдан 7 ёшгача болада сермаҳсул конструкторлик ва бадиий фаолият таъсирида перспектив аналитик – синтетик фаолиятнинг мураккаб кўринишлари юзага келади, хусусан, кўриб турган предметини амалда қисмларга бўлиб, кейин яна яхлит предметга бирлаштиришдан аввал бундай муолажаларни хаёлан бажариш қобилияти пайдо бўлади. П.Я.Гальперин [2] ишлаб чиқсан бола интеллектини шакллантириш назариясида ташқи фаолиятларни интериоризация қилишнинг асосий босқичлари ажратиб кўрсатилган бўлиб, уларни олдиндан киритилган сифатлар билан ички фаолиятга имкон қадар тўла ва самарали ўтказишни таъминловчи шартшароитлар белгиланган. Тафаккурнинг образли шакллари ривожланишида, Л.А.Венгер [2], С.Лупан [7] фикрича, тасаввурлар тизимининг айрим образлари шакланиши ва такомиллашиши, образлар билан турли муолажалар олиб бориш малакаси, объектни ҳар хил ҳолатларда тасаввур қилиш жиддий аҳамиятга эга. Г.Г.Кравцов [6] ҳамда болалар психологияси ва умумий

психология бўйича дарсликнинг муаллифлари [8, 9] диққатнинг қуидаги асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатадилар: ҳажм, тақсимланиш, жамланиш, турғунлик, тебраниш ва кўчиш. Боғча ёшидаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, тафаккур, нутқ, хаёл, ҳиссиёт ва ироданинг ривожланиши жадал кечади. Бола рангларни ҳали бир-биридан яхши фарқ қила олмайди. Унга рангларнинг фарқини билишга ёрдам қиласиган ўйинчоқлар бериш лозим(болаларнинг кўғирчоқлари учун ҳар хил рангли қийқимлар бериш, ҳар хил рангли ҳалкалар, қутичалар ва шунинг сингари нарсалар жуда яхши бўлади).

**Тадқиқотнинг мақсади** Мактабгача ёшдаги болалар когнитив жараёнлари ривожлантиришнинг амалий аҳамияти такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** Мавзуси юзасидан назарий ва амалий манбаларни таҳлил қилиш ҳамда тадқиқот манбасини яратиш;

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар когнитив жараёнлари ривожлантиришни диагностика қилиш методикаларини тизимлаштириш ва татбиқ қилиш;

**Тадқиқот услублари:** Тадқиқотнинг психологик усуллари кўриш ва эшитиш хотираси, тасаввур, идрок, кўргазмали-рамзий (образли) тафаккур ва диққат психик сифатлари ривожланишининг ёш-жинс динамикаси хусусиятларини аниқлаш мақсадида қўлланди.

Мактабгача даврда тафаккур ривожланишининг қуидаги бош йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин: ривожланаётган тасаввур заминида кўргазмали-таъсирчан тафаккурнинг янада такомиллашуви, эркин ва билвосита хотира асосида кўргазмали – образли тафаккурнинг яхшиланиши, нутқдан ақлий вазифалар қўйиш ва ҳал этиш воситаси сифатида фойдаланиш йўли билан оғзаки-мантиқий тафаккурнинг фаол шакллана бошлиши. Мактабгача бўлган давр сўнгига болада ривожлана бошлайдиган оғзаки – мантиқий тафаккур энди сўзлар билан муолажа қилиш ҳамда мулоҳазалар мантиқини тушуниш малакасини кўзда тутади. Вазифаларни ечишда оғзаки

мулоҳазаларни қўллаш қобилиятини мактабгача давр ўрталарида кўриш мумкин, лекин тасвирлаб берилган эгоцентрик нутқ феноменида жуда ёрқин намоён бўлади кашф этган ва шу ёшдаги болаларга тааллуқли бўлган бошқа ҳодиса – болаларнинг, масалан, предметлар ўлчами ва миқдорини таққослашдаги мулоҳазаларига хос мантиқсизлик шундан далолат берадики, ҳатто мактабгача даврнинг охирига келиб, яъни 6 ёшда ҳам кўпчилик болалар мутлақо мантиқий фикрлай олмайдилар. Болаларда оғзаки – мантиқий тафаккурни ривожлантириш 2 босқичда боради. Уларнинг биринчисида бола нарса ва ҳаракатларга доир сўзларнинг маъносини ўзлаштиради, масалаларни ҳал этишда улардан фойдаланишга ўрганади, иккинчи босқичда у муносабатларни ифодаловчи тушунчалар тизимини билиб олади, мулоҳазаларнинг мантиқийлиги қоидаларни ўзлаштиради. Бу сўнгги жараён, одатда, мактаб таълим мининг бошига тегишлидир.

Мактабгача ёшдаги болаларда мантиқий фикрлашга хос бўлган ҳаракатларнинг ички режаси шаклланиши жараёнини ўрганар экан, унинг кичик ёшдан катта ёшгача ривожланишига оид қўйидаги босқичларни кўрсатди:

□ –□*боланинг масалаларни ҳал этиши жараёнига энди нутқ ҳам қўшилган, лекин у нутқдан фақат ўзи кўргазмали;*

– *таъсирчанлик жиҳатдан қўллайдиган предметларни номлаш учун фойдаланилади;* □

–□*масала образли нуқтаи назардан тасаввур орқали муолажса қилиши билан ҳал этилади. Бу ерда, эхтимол, қўйилган вазифанинг ечимини топиш мақсадида вазиятни ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракатларни бажарииш йўллари англаанди ва оғзаки тарзда белгилаб берилиши мумкин. Айни вақтда ўзида ҳаракатнинг пировард (назарий) ва оралиқ (амалий) мақсадлари ички томонида табақаланиш (дифференциация) юз беради. Реал амалий ҳаракатдаги ҳали ажрамаган, лекин вазиятни ёки шартли вазифани ўзгартириш йўлини назарий аниқлаштиришга йўналтирилган овоз чиқариб мулоҳаза юритишнинг энг содда шакли пайдо бўлади;*

## ***Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi***

□ – масала бола томонидан аввалдан тузилган, ўйлаб чиқилган ва фикран тасаввур қилинган режса бўйича ҳал қилинади. Унинг асосида хотира ва шунга ўхшаши масалаларни ҳал этишига илгариги уринишлар жараёнида тўпланган тажриба ётади;

– масала мияда ҳаракатлар режасида ҳал этилиб, худди шу масала мияда топилган жавобни мустаҳкамлаш ва кейинроқ уни сўзлар ёрдамида шакллантириши мақсадида кўргазмали

– таъсирчан йўл билан бажарилади;

□ – масаланинг ечими фақат ички томондан, тайёр оғзаки қарорни чиқарган ҳолда предметлар билан реал амалий ҳаракатларга кейинги мурожсаатсиз амалга оширилади.

### **Тадқиқот натижалари:**

Ҳаракатли ўйинлар ҳаракат қобилиятлари ва психик жараёнларни мажмуали ривожлантириш вазифасининг амалга оширилишини мақсимал даражада таъминлайди, чунки уларнинг мазмуни ҳаракат дастурларини шакллантириш ва алмаштиришга йўналтирилган. Маълумки, инсоннинг ривожланиш жараёнида эгаллаб борадиган ҳаракат тажрибаси турли даражадаги ҳаракат дастурларининг юзага келиши ва мустаҳкамланишида ўз ифодасини топади. Ҳаракат малакалари қанчалик хилма-хил бўлса, янги ҳаракатларни ўзлаштириш имкониятлари шунча кўп бўлиши табиий ҳаракатли ўйинлар мураккаб тизимлар бўлган тана ва унинг қисмлари холатлари, ҳаракатлар ва ҳаракат фаолиятларининг тез-тез алмасиниб туриши билан тавсифланади. Шундай қилиб сенсор ва мотор таркибий қисмлар, уларнинг тизимидағи турли сатхлари орасида ўзаро таъсир юзага келадики, бу янги ҳаракат дастурларининг пайдо бўлиши билан кузатилади. Педагогика амалиётида предметлар билан сюжетли, ҳаракатли ва дидактик ўйинлар фарқланади. Болалар жисмоний тарбиясида ҳаракатли ўйинлар жуда катта аҳамиятга эга, ҳаракатли ўйинлар кичик, ўрта ва катта ҳаракатчанлик даражасига эга бўлиши мумкин. Кичик мактабгача ёшдаги болалар табиий ҳаракатларни ўйинлар ёрдамида ўзлаштирадилар (қадамлаб юриш, югуриш,

сакраш, улоқтириш, тирмашиш). Ҳаракатли ўйинлар болаларни жисмонан тарбиялашнинг асосий воситаларидан бири. Уларни икки ёшдан бошлаб қўллаш мумкин. Бу даврда болалар югуриш, сакраш, улоқтириш, тирмашиб чиқиши каби ҳаёт учун зарур ҳаракат кўнималарини ўзлаштира бошлайдилар [8, 3]



Қиз болаларда психик жараёнларнинг йиллик ўзгаришлари ўғил болаларнига караганда анча кучли бўлган. Уч ёшда уларда ўқув йили учун ўзгаришлар кўриш хотираси, идрок, тасаввур ҳамда дикқат кўрсаткичлари билан; тўрт ёшда – кўриш ва эшитиш хотираси, идрок ҳамда тафаккур билан; беш ёшда – эшитиш хотираси, дикқат ва тафаккур билан; олти ёшда –эшитиш ва кўриш хотираси ҳамда идрок хотираси билан боғлиқ бўлди. Йил давомида у ёки бу ёш гурухида психик жараёнлар кўрсаткичларининг ишончли бўлмасада, пасайиш фактлари ҳам содир бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. ўғил болаларда бу ходиса тўрт ёшда тасаввур кўрсаткичларини, олти ёшда тасаввур ва дикқатни таҳлил қилиш вақтида кузатилган бўлса, қизларда мувофиқ равишда тўрт ҳамда беш ёшларда идрок кўрсаткичлари таҳлили чоғида маълум бўлди.

### **Хулоса ва тавсиялар**

Мактабгача ёшдаги болалар билан ўқув машғулотларни ўтказганда, психик сифатларнинг ривожланишидаги сенситив даврларни ҳисобга олиш зарур: ўғил болаларда уч ёшда дикқат ва тасаввур ҳаммасидан кўпроқ ривожланади,

қизларда – кўриш хотираси ва идрок; тўрт ёшда ўғил болалар ва қизларда кўриш хотираси ва диққат бир ҳил ривожланади; беш ёшда ўғил болаларда – кўриш хотираси ва тасаввур, қизларда – кўриш хотираси ва тафаккур; олти ёшда ўғил болалар ва қизларда – кўриш хотираси ва тасаввур аҳамиятли ҳисобланади.

Психик жараёнларнинг ривожланиш даражасини баҳолаш мақсадида назорат тест ўтказилади. Кейин илгариги режани такрорлаш бошланади лекин энди бошқа ҳаракатли ўйинлар грухи, масалан, тезкорлик ва диққатни, тезкорлик ва тафаккурни, тезкорлик ва идрокни, тезкорлик ва тасаввурни ривожлантирувчи машқлар берилади. Шундай қилиб барча жисмоний сифатларни камраб оладиган жараён назорат синовларини ҳам инобатга олганда кўпи билан 6 – 8 ойни ташкил этади.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Асеев В.Г. Возрастная психология: Учебное пособие – Иркутск, 1989. – С.62-89
2. Волков Л.В. Физические способности детей и подростков. - Киев: Здоровье, 1991.-120 с
3. Дворкин Л.С, Рапопорт Л.А. Начальное физкультурное образование детей (от рождения до шести лет). Екатеринбург: УГТУ, 1998. 109 с
4. Зеньковский В. В. Психология детства: Учебное пособие для вузов. - Екатеринбург: Деловая книга, 1995. - 347 с.
5. Коломинский Л.Л., Панько Е.А. Учителю о психологии детейшестилетнего возраста: Кн. для учителя. - М.: Просвещение, 1988.- 190с
6. Майорова Л.Т. Методика воспитания координационных способностей детей дошкольного возраста (4-6 лет): Дис... канд. пед. наук. Омск, 1988. -169 с.
7. Логвина Т.Ю. Оптимизация режима двигательной активности дошкольников в зависимости от их возраста. Автореф. дис. ... канд. пед.наук.- Минск, 1991.- 24 с.
8. Ноткина Н.А. Развитие двигательных качеств у детей дошкольного возраста. Игры и упражнения. - СПб., 1995.- 64 с.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

---

9. Юрко ГЛ., Ященко Л.Б., Белоярцева В.В. Развитие двигательных качеств у детей дошкольного возраста // Развитие двигательных способностей у детей. -М, 1976. -С.215-216.
10. Ященко Л.Б. Влияние различных мышечных нагрузок на функциональное развитие нервной системы у дошкольников: Материалы всесоюз. науч. конф. М. 1999- 78-79с
11. Янкелевич Е. И. Физическое воспитание детей от 0 до 7 лет. - М: Физкультура и спорт, 1999. - 206 с.